


Қуръони Карим дарслари (48-дарс). Шарқшунос Режис Блашер: «Қуръонни биладиган ҳофизлар фақатгина еттита бўлган», дейди



14:05 / 27.08.2019 6435

(биринчи мақола)

«Қуръони Каримни жамлаш» иборасини уни ёдлаш ва қалбнинг лавҳига ўрнашиши маъносида тушунадиган бўлсак, дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бу шарафни ҳаммадан олдин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳофизларнинг саййиди, қалбларида **Қуръон** жамланганларнинг аввали эдилар. Ушбу шарафга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги танланган саҳобалардан ҳам бир нечалари муяссар бўлганлар.

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Қуръони Каримга нисбатан айтилган «жам қилиш» ибораси, аввал ҳам таъкидланганидек, Каломуллоҳни тўлиқ ёд олиш ва ёзиш маъноларини англатади.

Қатода розияллоҳу анҳудан қилинаётган ривоятдаги Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг гапларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Қуръони Каримни фақат тўрт киши жам қилганлиги, уларнинг ҳаммалари ансорлардан, яъни Убай ибн Каъб, Муъоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд розияллоҳу анҳум бўлганлиги тушунилади.

نَأْرُقُلِّلِغَمَّجِّيْ مَلَو مَلَسُو هِيَلَع لَلِصَّيْبِنَل تَام : لَأَقُؤْ نَعُ هَلَلِ لَيَضَرَّ سَنَأْ نَع
نُحَّو : لَأَقُؤْ دَيَزُ وُبَأُو تَبَأَثُ نُؤْ دَيَزُو لَبَجُ نُؤْ ذَأْعُ مَوءِءِءُ دَرْدَلِا وُبَأُ : عِبْرَةُ رَأْيِ غ
يِرَأُخُ بَلَأُ هَأَوْرُ . هَأَنْ ثَرَوُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилганларида, Қуръонни тўрт кишидан бошқаси жам қилмаган эди: Абу Дардо, Муъоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд. Биз ундан (Абу Зайддан) мерос қилиб олганмиз».

Бухорий ривоят қилган.

Сиртдан қараганда, бу ривоят ҳам олдингисини таъкидлаб келаётганга ўхшайди. Аммо диққат билан назар солсак, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу иккала ривоятда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръони Каримни тўрт киши жам қилганини айтган бўлсалар-да, уларнинг исmlарига келганда, беш киши, яъни Убай ибн Каъб, Муъоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит, Абу Дардо ва Абу Зайд розияллоҳу анҳум бўлиб чиқади. Уч киши - Зайд ибн Собит, Муъоз ибн Жабал ва Абу Зайд розияллоҳу анҳумнинг исmlари иккала ривоятда ҳам бор. Убай ибн Каъб ва Абу Дардо розияллоҳу анҳумнинг исmlари эса биттадан ривоятда келган.

Ана шу ҳақиқатдан Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ўз гапларида ададни эмас, бошқа маъноларни кўзлаганлари келиб чиқади.

Ўша маънолардан бири, мазкур кишилар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг назарларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръони Каримни энг яхши қабул қилиб олган одамлар эканидир. Ҳар бир халқда

бирор нарсани қаттиқ таъкидлаш маъносида шунга ўхшаш иборалар ишлатилиши оддий ҳақиқатдир. Бизда ҳам бирор олимдан кўпроқ нарсани ўрганган кишининг таърифида «Фалоний устознинг илмини Фалончи олиб қолган-да», дейилади. Бу эса ўша Фалончидан бошқа одам мазкур устозда ўқимаган, дегани эмас.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг мазкур гаплари алоҳида бир мақом учун айтилган бўлиши мумкин. Бу гапни имом Табаронийнинг ривоятлари тасдиқлайди:

«Икки қабила – Авс ва Хазраж фахр талашиб қолишди. Авс қабиласи аъзолари: «Биздан тўрт киши: сабабидан Роҳманнинг Арши ларзага келган шахс – Саъд ибн Муъоз, гувоҳлиги икки кишининг гувоҳлигига тенглаштирилган шахс – Хузайма ибн Собит, малоикалар ювган шахс – Ҳанзала ибн Абу Омир ҳамда арилар ҳимоя қилган шахс – Осим ибн Собит бор», дейишди. Шунда Хазраж қабиласи:

«Биздан Қуръонни жам қилган тўрт киши бор», дейишди ва мазкур тўрт кишининг исмларини айтишди».

Агар имом Бухорийнинг саҳиҳ тўпламларидаги ривоятларнинг зоҳирини оладиган бўлсак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги ҳофизлар адади еттитадан ошмайди. Ана ўша еттиликнинг барчаси ҳам саҳиҳ тўпламдаги битта ривоятнинг ўзида кетма-кет келмаган. Лекин учта ривоятдаги такрор келган исмларни чиқариб ташласак, ушбу еттита ҳофиз жам бўлади.

Шунинг учун бўлса керак, шарқшунос Режис Блашер бу ҳақда ўзича ҳукм қилиб: «Набавий ҳадисларда Қуръонни биладиган ҳофизлар фақатгина еттита бўлган», дейди.

Жаноб Блашернинг бу «илмий» кашфиёти унга ўхшаган Қуръони Карим душманларининг кўплаб «илмий» кашфиётлари силсиласининг бир ҳалқаси, холос. Ул жаноблар ўзларининг бу каби «илмий» баҳслари ва хулосалари билан Қуръони Карим ҳақида кўплаб шубҳалар заҳрини тарқатадилар. Мутахассис бўлмаган кишиларни шак ва шубҳага соладилар.

Бу ҳақиқатни англаб етишимиз учун яна жаноб Блашернинг гапига мурожаат қилайлик. «Набавий ҳадисларда Қуръонни биладиган ҳофизлар фақатгина еттита бўлган», дейди у. Аммо юқорида, «Қуръонининг жамланиши» бобида келтирилган икки ҳадисда номлари зикр этилган

Умму Варақа ва Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳумога ўхшаш ҳофизлар борлигини, Қуръони Каримни жамлаганлар сон-саноқсиз эканини «эсидан чиқариб» қўяди.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан